





ПОЙТАХТ ЯНГИЧА ЛИБОС КИЙМОҚДА



Наврўз айёмини ҳеч муболагасиз янгилашни, яшариш байрами, деб аташ мумкин. Чунки ана шу муқаддас кунларда ариқ-зовурлар тозаланади, кўча-кўйлар сугуриб-сидирилади. Янги иншоотлар барпо этилади. Табиат ҳам ўзининг фуюнкур қиёфасини кўз-кўз қилиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркатқурқ қўшади.

Айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришгач, пойтахтимиз жамоли кескин ўзгарди. Деярли ҳар бир байрам арафасида ўнлаб-юзлаб замонавий иншоотлар, бозорлар, кўчалар барпо этилиши шаҳаримизни янада ёшартириб юбормоқда. Бу гапни Наврўз айёмида ишта тушириладиган иншоотлар сони тағин-да кўп. Тошкент молна-қурилиш корпорацияси бошқармасининг бошлиғи Фарида Хужаванинг таъкидлашича, Наврўз байрами кўни пойтахтимизнинг 20 Олимжон майдонида 200 кишига мўлжалланган одис биноси, «Олой» бозоридаги кичик новвойхона, Халқлар дўстлиги майдонидаги «Наврўз-96» қурилиш мажмуи, «Тахтапул» даҳасидаги янги қурилган дўкон, Мирзо Улугбек туманида болалар учун мўлжалланган бассейн, «Правда Востока» кўчасидаги Биржалар маркази ишта туширилади. Мазкур иншоотларни барпо этишда 1-, 159-қурилиш трестлари ва «Сифат» ҳиссадорлик жамияти жамоаларининг улуши катта бўлди.

Бу иншоотларнинг ҳаммаси қурувчиларимизнинг Наврўзга тухфасидир. — дейди «Сифат» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Марат Абдуллаев. — Қолаверса, халқимизнинг бундай муқаддас байрамларига «саводиом» тайёрлаш қурувчилар учун одат тусига айланган. Насиб этса, Ватанимиз мустақиллиги тўйига ҳам алоҳида тўёна билан борамиз. Унгача «Қўйлик» ёйма бозори, «Миробод» бозоридаги 44 та дўкон, «Олой» ва «Паркент» бозорлари ва Амир Темур музейи қурилиши тўлиқ якунланди.

Б. ОСТАНАКУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЛОҲИ, ҲАР КУНИНГ ҲАМИША ТОЛЕИНГ

Биз — аجدодлар жасоратидан руҳланиб, бебаҳо маданий-маънавий меросдан куч олиб, ғайрат-шижоат ва сабр-тоқат билан меҳнат қилиб, ушбу мураккаб ва шарафли тарихий жараёнда — янги давлат барпо этиш йўлида ўз қалбимизни, тафаккуримизни, руҳий дунёимизни намойён этаётган халқимиз.

Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг улғу руҳий ғўзаллиги ҳамда маънавий камолоти белгисидир. Бугунги интилиш ва уринишларимизнинг ҳаммаси ойдин келажакимизни белгилайдиган ишлардир. Ишонч билан айтаманки, бундан буён ҳам келадиган Наврўзлар халқимизга, жоннажон, бетакрор она юртимизга зафарлар келтиргай, моддий ва маънавий фаровонлик инъом этгай!

Ислом КАРИМОВ.

Мустақиллик иншоотлари

Ҳар доим Қоровулбозорга — нефтни қайта ишлаш заводи қурувчилари хузурига борганимизда, бу ерда улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, беҳиёёр қувониб кетамиз. Бу гапни сафаримизда, «Мазкур корхона дастлабки маҳсулотини қачон бера болайди?» деган саволга ҳам жавоб топгандай бўлди. Ана шу иқдор завод қурилиши майдонида Франциянинг «Тексин» ва Туркиянинг «Гама» фирмаси вакиллари билан суҳбатлашганимиздан кейин ойдинланди. Биз, хусусан, корхонада нефтни қайта ишлаш технологиясини ўрнатётган «Гама» фирмасининг Ўзбекистондаги қурилишлари бошлиғи жаноб Жошқун МАНЧУХАНга бир неча саволлар билан мурожаат этдик:

— Аввало, Ўзбекистонга, муқаддас Бухоро заминига ҳуш келибсиз! Айтгинчи, дастлабки фаолиятни нимадан бошладингизлар?

— Илтифот учун раҳмат. Фирмамиз вакиллари Қоровулбозорга ўтган йилнинг охирида, аниқроғи, ноябрь ойида ташриф буюришганди. Дастлаб бу ерда уч киши келган бўлса, ҳозир уларнинг сони 170 нафардан ошди. Айни чоғда бизга 25 нафар ўзбекистонлик қурувчи ҳам кўмаклашмоқда. Ўтган даврда мутахассис ва ишчиларимиз учун турар жойлар қурдик. Бу йомуш ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. 500 ўринли ошхона биноси, шунингдек, зарур қўшимча иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари жалаб олиб борилаётир.

— Асосий объектдаги ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Асосий объект — технологик ускуналар ўрнатилган майдон. Худди шу жойда нефть қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилади. Биз шу мақсадда тахминан 40 миллион АҚШ долларидан ортиқ сарфлаганимиз.

Қишнинг қаттиқ келиши, об-ҳавонинг ноқулайлигига қарамай, 31 январдан бошлаб асосий монтаж ишларини бажаришга киришгандик. Ҳозирги кунда бетон пойдевор учун турли шакллар тайёрланмоқда, металл конструкциялар йиғилмоқда. Бир

қилини қизқиратган яна бир савол: янги заводнинг дастлабки нефть маҳсулотлари қачон истеъмолчиларга етказиб берилади?

Иншоотлох, ишимиз бароридан келса, келгуси йилнинг биринчи ярмида орзуларимиз тўлиқ ушалажак.

— Бунинг учун фирмамизда етарли имкониятлар мавжудми?

— Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Фирмамиз имкониятлари жуда катта: унда 18 минг киши меҳнат қилади. Қо-

нг бажараётган иш ҳажми ҳам, давлатлар ўртасидаги оғури-этибори ҳам охиб бораёпти. Негаки, жамоамиздаги барча ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар муайян малакага эга. Улар дунёнинг турли мамлакатларида бунёдкор-

— Янги иш жойи, яъни завод қурилиши майдони, қолаверса, қурувчилар учун яратилган шарт-шароитлар сизларга маъқулми?

— Шунга таъкидлаш керакки, биз, аввало, шартнома асосидаги вазифаларимизни бажаришга келганимиз. Лекин бу ердаги шароитнинг бироз оғирлиги ҳам бор. Чўл — чўл-да! Бошқа мамлакатларда ишлаганимизда, аҳвол ўзгача эди. Қоровулбозорда кучли шамоллар, баъзан эса чанг-тузон бўлиб тураркан. Совуқ ҳавода сувнинг таркибини ўрганиш, айниқса, осон кечмаяпти. Шунга қарамастан, ишни бир маромда юритишга ҳаракат қилаёмиз.

— Қутлуг Наврўз айёмида Ўзбекистон халқига, жумладан, бухорликларга айтадиган истак-ниятларингиз ҳам бўлса керак?

— Мамлакатингиз Президентини И. Каримов «Ўзбекистон» — келажак буюк давлат деб ҳақ гапни айтган. Чиндан ҳам шундай. Биз бу буюк башоратга ишонамиз. Бухоро ҳақида тўхталганимиз бўлса, бу қадимий шаҳарнинг таърифу тавсифи етти иқлимга етган. Насл-насабимиз бир шу юртининг ободчилиги, фаровонлигига ҳисса қўшаётганлигимиздан фахрланамиз.

Аминманки, бунёд этилаётган янги заводнинг тезроқ ишта тушиши Ўзбекистон иқтисодиётини кўтаришда, унинг жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида муҳим аҳамият касб этади. Ана шу эзу мақсад йўлида барча ўзбекистонликларга муваффақиятлар тилаб, Наврўз байрами билан қизғин ташриқлар, уларга сиҳат-саломатлик ва бахт-саоват истаб қолам.

Машнон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири. Иззат ҲАКИМОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

вақтнинг ўзида тупроқ ишлари ҳам амалга ошириляпти.



Бугун — Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводида

Имкониятга қараб, қурилишда совуққа чидамай, музламайдиган бетон қоришмалар ишлатилмоқда.

— Технологик жиҳозлар ва ускуналарнинг етказиб берилиши ҳолати қандай?

— Уларнинг келтирилишига мутасадди ташкилот — Франциянинг «Тексин» фирмаси қатъий график асосида иш юритмоқда. Жиҳоз ва асбоб-ускуналарнинг асосий қисми Франция, Америка Қўшма Штатлари, Туркия ва бошқа давлатлардан келтириляпти. Қурилиш-монтаж учун зарур техника-механизмларни эса юртимиздан олиб келаямиз. Қисқаси, ишнинг бошланishi ёмон эмас. Ишончим комилки, иш жараёни бир маромда давом этаверади.

— Жаноб Манҷуҳан, кў-

ровулбозорда, юқорида таъкидлаганимдек, ҳозир 200 киши фаолият кўрсатаётган бўлса, меҳнат fronti кенгайтиши билан ишчи-мутахассислар сифи ҳам ортиб бораверади. Хусусан, яқин орада завод қурилишида 800 нафар ходимимиз иштирок этиши мўлжалланмоқда. Корхона ишта туширилгандан кейин ҳам унинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини 2-3 ой мўайинда назорат қилиб бормоқчимиз.

— Фирмамизнинг умумий фаолиятини ҳақида ҳам қисқача сўзлаб берсангиз? Ҳарқалай, бир-биримиз билан ҳуқуқроқ танишганимизга нима етсин.

— «Гама» ўз фаолиятини 1952 йилда бошлаган. У Туркиядаги энг машҳур фирмалардан биридир. Йиллар ўтиши билан уни-

лик ишларини амалга оширмоқдалар. Масалан, Ироқ, Иордания, Россия Федерацияси, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Болтиқбўйи республикалари, Малайзия каби ўнлаб мамлакатларда улкан саноат корхоналари, давлат муассасалари, меҳмонхоналар ва бошқа объектлар барпо этилмоқда. Истамбул ва Анкара шаҳарларида эса метро қурилиши бўйича ҳам ўз кўчимизни синаб кўрдик. Ҳамма жойда меҳнатимиз аъло даражада баҳоланаяпти. Яна шунга айтиб қўяйки, биз нефтни қайта ишлаш заводларини қуришда биринчи марта иштирок этаётганимиз йўқ. Бу соҳада етарли даражада тажрибамиз бор.

ЗУБАЙДА МОМОНИНГ ДУОСИ

Бу табаррук онахон 94-баҳорни қаршиляпти. Унинг 128 невараси, 38 чевараси ва 24 эвараси бор.



Жиззах туманининг Ҳамроқул Носиров номли жамоа ҳўжасида истиқомат қилувчилар момони бот-бот йўқлаб туришди. Узоқ сафарга кетаётган, бирор янги ишга кўз урмоқчи бўлган ёки яхши ният билан тўй-маърака боғлашга аҳд қилган киши, албатта, Зубайда момондан дуо олиб кетади.

Момо 94 ёшин қаршилаётган бўлса ҳам, ҳали тетик, унинг хотираси тивиклиги кўнглини ҳайратга солади. У болалиги борми, 30-40-йилларини, ҳозирги даврини, худди кечганига кўргандай бир текис таънаверади. Момо бундан роҳна-роҳа 80 йил бурун бўлиб ўтган Жиззах қўзғолоғининг шундай эслайди: «Ушанда 13 ёшда эдим, — дейди Зубайда момо кўзлари шўрланган. Кейин оғир хайла толиб, бир нуктага тикилади-ди: — Барча тоқкур, болам, келинг, мени кўлар арқасида яхши-яхшини янгалар қўйайлик, — дейди. — Мен тўғоқ бўлиб ўтмиш оғир кетган. Нивасини эслай. Қачна-қачна янгалар «небени», қачна-қачна «босман», уруш, эл қўрбонлари бўлиб кетишди. Мен бу таънави бекорга айтаётганиман. Бутунни қўлга шўрхоналар айтиш керак. Кечмиш кун, яқин ўтмиш тўйма эканлигини биз биламиз. Шу боис ҳам бутунни қўлга


қайта-қайта шўкрона айтганим. Маъна, Жиззахга баҳор нафаси келганига ҳам уч ҳафта бўлди. Ер, дароҳт, унга қўшилиб одамлар уйғонди. Небарамнинг айтишига қараганда, бу йил лайлақлар янглиқ қўйди. Худди хоҳлса, тўқончилик бўлади. Дехқон ерга кетмон кўтариб қираним, биланки, юртва кўт-барак кела бошлайди. Наврўз шувинг учун ҳам қўтлуг-да. Болалигимизда, Наврўз кўнлари ҳўв анави қирларга чиқардик. Одамлар Етимтоғда босиб кетарди. Янги либослар кийиб олардик. Аёллар сумалак тортар, эркаклар мот сўйиб, бир қаншоқ тўпланиб, Наврўзни кўтиб олардик. Уни орада унуттиришди ҳам. Беш-олти йил бўлди-деди. Наврўз иш қайтиб келди. Жиззахликлар уни шопанга билан кўтиб ошди-деди. Бу йиллар ўнлаб йил, неваралар олиб чиқилди. Бу йил ҳам, худди агар кўч-қўяғат бера, чиққим бор...»

Зубайда момо болалиги, Наврўз ҳўжасида таънавр экан, хира тортаётган кўзлари бир намлиниб, бир шўрланган кетди. Унинг худди дала-лашгада юртандек ҳўс қилди.

Момо ўзидан тингане. 128 неварга, 38 чеварга, 24 эваранинг момоси. У кишининг ҳўрриндан қайтар эканми, момо: «Илоҳим, ҳамма-ҳамма қатори юртбошимиз ҳам омон бўлсин, ҳар бирини янгаларнинг ўзи ёрқатсин, Наврўз дастурхонимизга қўй-баркати келтирсин. Кўнми, рўғоримиз бундан ҳам фаровон ва тўқис бўлсин», деб дуо қилди.

И. ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБИ-РАҲМАТ ЁҒҒУСИ



Пойтахтимизнинг Миробод тумани ҳудудида жойлашган «Билимдон» маҳалласи аҳли бу кўни орзиқиб қўтишди. Уч ярим минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган ушбу масканда ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш ва тозалик ишларига алоҳида эътибор берилди.

Мисол учун, маҳаллада 2200 метр узунликдаги каналлаштириш ҳамда 1800 метрлик тоза ичимлик суви қўвурлари ётқизилди. Эскирган симёғочлар алмаштирилиб, кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатилди. Маҳалла Усмонбек Олимбеков номи билан аталуви катта кўчанинг бўйида жойлашган. Бу серкатнов йўлнинг озодлиги, ободлигини таъминлаш ҳам улар зиммасида. Йўл четидagi ариқлар тозаланиб, дарактларга шакл берилган...

Яқинда «Билимдон» маҳалласида Наврўз байрами шодхўррамлик билан нишонланди. Чойхонада турли ноз-неъматларга тўла катта дастурхон ёзилиб, элга ош берилди. Машшоқлар ўзларининг ёқимли қўй-қўшиқлари билан кишиларнинг қувончларига-қувонч қўшишди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз. Маҳалла худудига жойлашган «Сардор» фирмаси мазкур шодийнинг моддий таъминотини ўз бўйинларига олибди. Ҳа, савоат-пешаларнинг ибрати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ушга кўни ойлалар ўртасида миллий таомлар қўриғи ва бошқа турли уйинлар уюштирилди. Маҳаллада истиқомат қилётган ночор, ногирон ва ёлғиз қарилар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Уларнинг ҳар бири ҳолидан хабар олинди. Маҳалла қўмитаси раиси Ўткирбек Олимбековнинг айтишича, Наврўз айёми кўни оқсоқоллар ана шундай тоифадаги кишиларнинг уйларига яна бир бор ташриф буюриб, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ажратилган совға-саломларни уларга топширишди. Дарҳақиқат, Наврўз мана шундай эзгулик, инсонпарварлик сингари жиҳатлари билан ҳам янада файзли ўтади.

Бир чеклада сумалак пиширишгаётган экан. Улкан дошқозон атрофида давра қўрган хотин-қизлар бирма-бир сумалак қўзаяпти. Барчасининг чехраларида шодхандонлик, баҳорий ҳўш кайфият барқ уриб турди. Ҳазил-мутойиба, ўйин-қўли авжида. Шу чоғ нуруний бир кампир: «Шу кўнларга етказганига шўқур», дея ўр-нидан туриб қўйиқ бошлаб ёз берди.

Наврўз келди, ёз келди, Турна келди, юз келди. Ям-яшил чорбоғлардан Булбулдай овоз келди.

Наврўз келди бу кеча, Пиширсанг Наврўз эўжа. Гўжаси ширин момага Берайлик бир жуфт эўжса.

Қийқириқ ва шўх хитоблар янгради. Кампир яшнаб-яшнаб қўйиқ айтиди, шўх-шўх қўйиқ айтиди. Теварагидегилар унга жўр бўлишди:

Келса йил боши — Наврўз, Олам гулистон бўлгуси. Осмондан еру заминга Оби раҳмат ёғгуси!

Қўйиқдан дилларимиз яйради. Кайфиятимиз чоғ бўлди. Ҳатто биз ҳам қўйиқ айтгимиз келди. Эртага момомиз пишиб, тайёр бўлган сумалакни алёр айтиб-айтиб сузади, катта-кичикка, бола-бақрага илинади.

Қўйиқ айтиб пиширилган сумалак янада тотли бўлади, таъми янаги Наврўзгача оғизларда қолади.

Ғофур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

Завол кўрма, ҳеч қачон ўлкам, Завол билмас шу ёшинг билан. Музаффар бўл, голиб бўл, ўктам, Дўсту ёринг, қардошинг билан.



# НАВРЎЗ БЎЛСИН, ФЕРЎЗ БЎЛСИН!



**МАҚТУБЛАРДА ДИЛ  
ИЗХОРИ**

**КЎК СОМСАЛАР,  
НОНУ ПАТИР**

Мен иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ҳозирда эса пенсионерман. Уша пайтдаги алғовдалов, суронли ва оғир дамларни ҳам, кейинги қатағон ва шахса сириниш йилларининг ҳам гувоҳи бўлдим. Бугунги тинч ва осойишта замонга шукроналар айтгим келади.

Ёшлигимда собиқ «Ёрқин ҳаёт» ва «Ленин уқунги» газеталарида шеърларим чиқиб турарди. Иш ва болалар тарбияси, 44 йиллик ўқитувчилик касби илҳом булогини бироз ёп-

гандек эди. Энди яна қаршимда бир мавжли тўқин пайдо бўлди, бу — истиқлол, янги ҳаёт, гўзал турмуш ва кўқисдан баҳор шамолига йўғрилиб, қалбларимизни «забт» этган бектакор Наврўз айёмидир! У яна мени баҳорий сатрлар битишга ундади:

Истиқлол туфайли халқ осмондир, дастурхон тўқин.

Барчамизга муборак кун, Наврўз — янги кун!

Кўк сомсалар, лоҷираю, ширмой нон, патир,

Олма, анор, нок ҳидлари бамисли атир!

Мен барча юртдошларимизни ушбу муборак кун — Наврўз билан қутлайман.

Мунаввар **ВОҲИДОВА**,  
уруш ва меҳнат фахрийси,  
Тошкент шаҳри.

## КЎНГИЛ РАВШАН ТОРТАДИ...

Умрим далада — пахтазору бугдойзорларда кетмон чопиш, суғориб-парваришлар билан кечди. Ўтган умримдан нолимайман. Фақат умумхалқ байра-

ми — Наврўз сабаб кўнглимдаги тилакларни сизга изҳор қилмоқчиман.

Халқимизда «Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан», деган ҳикматли мақол бор. Агар юрт раҳбари доно, сиёсат одилона ва тўғри бўлмаса, ҳатто юқоридаги мақолнинг ҳам аҳамияти йўқоқлар экан. Чунки собиқ шўролар даврида қанча чираниб, елиб-югурманг, барибир, меҳнатингизга яраша, мақолда айтилганидек, «роҳат» кўра олмас эдингиз. Деҳқон куну тун кетмон чопиб, тер тўкарди-ю, аммо етиштирган ҳосилидан ўзи манфаатдор бўла олмас эди.

Хайриятки, бугун замон ўзгарди, эски «ашулалар» унутилди. Деҳқоннинг даладан манфаатдорлиги кўп бўлганлиги боис экин-тикин бошланадиган фасл — баҳорни ҳўш кайфият билан қаршилади, Наврўзни эса катта шоду ҳуррамлик билан кўчоқ очиб кутиб олади. Кайфият кўтарилди дил равшан тортади.

Тилагим: деҳқонларимиз соғу омон бўлишсин. Бу йилги ҳосилга Оллоҳ барака берсин!

Саъдулла **ТЎРАЕВ**,  
Касби тумани.

## ТИНЧЛИК ТАРК ЭТМАСИН ЮРТИМИЗНИ

Олдинлари Наврўз байрамини йўқ қилишга, уни «эскилик сарқити» дея халқни ишонтиришга кўп уринилар эди. Аммо доно халқимиз бундай давлатга ишонмади, муборак айём кунини қалбиди сақлаб келди. Мустақиллигимиз шарофати ила бу янгидан юз очди, бутун мамлакатимиз бўйлаб нишонланадиган буюқ байрамга, катта тўю тантананага айланди.

Айём муносабати билан турли тadbирларни уюштиришда бошқош бўлаётган республикамиз ҳукумати, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, халқимизнинг айни кўнглида асраб юрган эзгу ниятларини амалга ошираётир.

Тинчлик юртимизни тарк этмасин, буюқ келажакимиз сирати ҳамиша шундай мардона интилаверайлик...

Гулнора **НОСИРОВА**,  
Гулистон тумани.



22 МАРТ — БУГУНГИНГЕ СУВ КУНИ

## ТОМЧИСИДА ОЛАМ МУЖАССАМ

1992 йилнинг июнь ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилати ташаббуси билан апроф-мухитни муҳофазат қилиш ва тараққийот мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Кейинчалик у «Ер кураеси Саммити (Йигини)» номи билан машҳур бўлиб кетди. Негаки жуда кўп мамлакатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва мутахассислари қатнашган бу анжуманда катор ўта муҳим ҳужжат ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, анжуман қатнашчилари ақдидил билан 22 мартни «Бутун дунё Сув кунини» сифатида ҳар йили нишонлашни маълумлашди. Шунингдек, «Кун тартиби 21» номи билан чет эл матбуотида тез-тез уқраб турадиган иборат ҳам конференция қатнашчилари қабул қилган муҳим тасвиғга тааллуқлидир. Бунда ер кураесиди аҳолининг ўсиш тезлиги, чўққ сув захираларининг миқдори ва тарқалиши ҳамда атраф-муҳитни муҳофазат қилиш муаммоларини ҳисобга олган ҳолда деҳқончилик, шу жумладан, суғориладиган деҳқончилик асосида етиштирилган янги ҳосилнинг ўсиш миқдори йил сайин ўртача 3-4 фоиздан ортиқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқ, деб топилди. Кейинчалик ҳақондаги 178 мамлакат ва элларнинг бошлиқлари қориди қайд қилинган қарор ва тасвиғларни қўйини маълумлашди.

«Сув ёруғлиқидир!» — «Сув бор ерда ҳаёт бор!» — «Сув Яратганининг бандларига ҳада қилган муқаддас инъомидир, уни эълозлас керак» каби ўғитларни кўп мартабо айтиб, уқиб ва шунга ишониб келган биз ўзбеклар, ўзбекистонликлар учун бундай хайри ишлар тушундириш ва маънавиятда жуда яқиндир. Боз устига ҳақон ҳаммаиятининг бутун ташвиғига солаётган муаммо ва қийинчиликлар охириги ўн йиллик давомиди республикамизда юз бераётган сув таъминоти, айниқса, Амударё қўйиши ичимлик йиланларда қўйиши ичимлик

сув таъминоти, сув захиралари ва атраф-муҳитнинг ифлосланиши каби жараёнларда намойён бўлмоқда. Қўни кең республика Президентини Ислам Каримов Хоразми халқ депутатларининг вилоят кенгашида сўзлаган мавзусида бу муаммога кенг ўрин берганлиги фикримизнинг далилидир.

Ана шуларнинг ҳаммасини назарда тутган ҳолда республика Вазирилар Маҳкамасининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси 1994 йилда нуфузли халқаро ташкилотлардан бири Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссия (ИДХ)га тўғ ҳужуқи аъзо бўлиб кирди. ИДХ билан алоқаларни ривожлантириш, бу ташкилот ўз олдига мақсад қилиб қўйган вазифаларни Ўзбекистон шароитида изчилик билан амалга ошириш мақсадида халқаро комиссиянинг ирригация ва дренаж бўйича Ўзбекистон миллий қўмитаси тизилди. Қўмита вазифаларини 1991 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Сув қўжалиги кенгаши баҳарадиган бўлди.

ИДХ ўз олдига қўйган асосий мақсадлардан бири ирригация ва дренаж ҳамда сувдан унумли фойдаланиш соҳасида ҳақон аҳамиятини тўлганлигини, техника ва санат ютуқларини тартиб қилиш, амалиётда кенгроқ қўллашга эришишдан иборат. Бундай хайри мақсад йилда «ИДХ нинг Гага декларацияси» номи билан машҳур 10 банддан иборат ҳужжат 1994 йилда Ирригация ва дренаж XV жаҳон конгрессида қабул қилинган эди. Декларациянинг бандларидан биринди ҳақон афкор оммасининг диққат-эътиборини ҳозирги кунда дуненинг деярли барча мамлакатларида мавжуд бўлган сув муаммоларига қаратиш тўғрисида сув кетади. 22 мартни бутун



дунё Сув кунини сифатида нишонлаш муносабати билан ИДХ га аъзо бўлган барча мамлакат (80 дан ортиқ) миллий қўмиталарининг фаол иштирокида сув муаммоларини тўғрисида омма ораида тушунтириш ва ташвиқот ишларини олиб бориш, кўргазмалар ташкил қилиш, кинофильмлар намойиш қилиш ва шунга ўхшаш чора-тадбирлар амалга оширилиши эълон қилинди. Жорий йилда амалга ошириладиган чора-тадбирларга асосий таяву қилиб йилги шаҳарларни ва аҳоли ишайдиган бошқа мақодаларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари танланган.

Бу муаммонинг республикамиз учун ҳам қанчалик долзарблиги юқорида кўрсатилган эди. Бугундиге Сув кунини республикамизда кенг қўлиб ёва бошлаган Наврўз тантаналари кўнглига тўғри келиши билан ўзига бир маъно касб этмоқда. Шу муносабат билан барча касбдошларни — сув қўжалиги тизимида жонбонлик кўрсатётган барча сувичиларни — мутахассис, инженер-техник ходимларни, микробларни, ҳамма-ҳамманни қўшоқ байрам билан самимий муборакбод этиб, «Сундай сеҳроб бўлинглар, азизлар!» дегимиз келади.

А. ҚОДИРОВ,  
Ирригация ва дренаж бўйича Ўзбекистон миллий қўмитасининг котиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор.

## БОЛАЛАРГА САХОВАТ

Наврўз байрами арафасида боқувчисиз қолган гўдақларга меҳр-мурувват кўрсатиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва бошқа шунга ўхшаш қадимий удумларимиз бугунги кунда республикамизда анъанага айланган бормоқда. Қўни-кеча пойтахтнинг Ўзбекистон Миллий боғида утқазилган тадбир бунинг яққол далилидир.

«Абу Али ибн Сино ва табобат» фирмаси ҳамда «Наврўз» мажмуаси раҳбарияти ҳомийлигида ташкил қилинган тадбирга Тошкент шаҳар болалар уйларида тарбияланаётган 300 нафардан ортиқ кичкинтойлар таклиф қилинди. Жажжилар қарнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Болаларга туқин-сочин дастурхон ёзилди. Уларнинг 27 тасига суннат тўғи утқазилиб, ҳар бирининг ҳисоб рақамига 500 сумдан пул утқазилди. Қолганларга байрам совғалари топширилди.

Жамоамиз мамлакатимиздаги 300 дан зиёд дорихоналарни шифобахш малҳамлар билан таъминлайди, — дейди ҳомийлардан бири «Абу Али ибн Сино ва табобат» фирмаси бош директори Эркин Жўраев. — 30 та чет эл фирмалари билан ҳамкорликни йулга қўйганми. Шу туфайли утган йили савдо ва ишлаб чиқаришдан тушган айланамиз 40 миллион сумдан ошиб кетди.

Тантананада сузга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи уринкид қилинган тадбирга Тошкент шаҳар болалар уйларида тарбияланаётган 300 нафардан ортиқ кичкинтойлар таклиф қилинди. Жажжилар қарнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Болаларга туқин-сочин дастурхон ёзилди. Уларнинг 27 тасига суннат тўғи утқазилиб, ҳар бирининг ҳисоб рақамига 500 сумдан пул утқазилди. Қолганларга байрам совғалари топширилди.

босари Равшан Файзуллаев ҳокимлик номидан шу байрамни ташкил қилиб, меҳр-мурувватга ташна болаларнинг кўнглини олган юқоридидаги ҳомийларга ташаккур билдирди. Шунингдек, болалар уйлари тарбиячилари ва кичкинтойлар ҳам фирма ҳамда мажмуа раҳбарларига уз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Гулом **ЮСУПОВ**,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Куролли Кўчаларимиз қисм ва бўлимларда баҳор ва яшарош байрамини ҳар йили юқори даражада нишонлангати. Эндиликда ҳар бир қисмда Наврўзни нишонлаш юзасидан ўзига хос тақриб ва анъаналар шаклланиб кетди. Куролли Кўчаларимиз кўтиб олинган ўзига хос, муҳим жиғати уни режа ва ушқоқлик асосида ўтказишда кўрилади. Масалан, бу йил қомандилар ва уларнинг шахсий тартиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари ҳарбий хизматчилар учун таълим-тарбия ишларини уюштирар экан аввало эътиборини ҳар бир ҳарбий хизматчида тарихий қаҳрамонликларни, ўзбек халқининг урф-одатлари ва анъаналари, буюқ соҳибқирон Амир Темури қолдирган ҳарбий меҳрос, куролли кўчаларимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлашдаги роли ҳамда ўрни ҳақида тушунчани шакллантиришга қаратишмоқда. Шу мақсадда шахсий тартиб билан ишловчилар 15 мартни барча қисмларда иктомий-сиёсий билим кунини деб эълон қилишди ва «Ўзбекистон халқларининг қаҳрамонлик анъаналарини муқаддас қилиб, уни янада қўнайитрайлик» мавзусида машғуллотлар ўтқазиди. Марказий Зобитлар уйида ва горнизонларнинг Зобитлар уйида, зобитлар ва аскарлар клубларида, иктомий-сиёсий ахборот хоналарида, ҳарбий шахарчалар худудида ва ҳарбий қисмларда баҳор ва янгиликлар байрамини бағишланган кўргазмалар воситалар, ранг-баранг тасвир ва расмлар ўрнатилди. Кўргазмаларда Ўзбекистон шир ва ёзувчиларининг баҳор байрамини бағишланган асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Март ойининг дастлабки кўнглида ҳарбий хизматчиларнинг ўлкашунослик му-

## ОЧИҚ ДИЛ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кўчаларида қадимий Наврўз байрамини энг яхши халқ анъаналари руҳида кўтиб олинган

нинг капитани К. Қарташев хизмат қилаётган бўлинига халқ байрамига қандай таъйиғарлик қўрди? 16 март, яъни шаба кунини бу ерда умумгаризон ҳашари ўтқазилди. Ҳарбий хизматчилар гарнизон худудини тартибга келтиришти. Зобитлар Б. Абдуллаев ва Р. Халилов бўлимлари томонидан 350 тул турли хил кўчатлар ўтқазилди. Бўлимга раҳбарлари шаҳар жомиятини ва маҳалла қўмиталари йигинида қатнашди.

Гарнизонда, шунингдек, иктомий-сиёсий ахборот хоналари ва деворий газеталарнинг кўрик-танлов ўтқазилди. Биринчи ўрин капитан М. Тоқиев хизмат қилаётган бўлинига насиб этди.

Ҳарбийлар «Азот» ишлаб чиқариш биғаласи, Фаргона механика заводи ва бошқа қорхона ва ташкилот меҳнатқашлари билан учрашди. Бу учрашулар чоғида дастурхонга миллий таом-палов тортилди, бадиий ҳаваскорларнинг концерт дастурлари қатнашчиларга заъ-шавқ бағишланди. Ватан посбонларига турли хил совғалар улашди.

Наманган гарнизонининг катта лейтенант Э. Зобиев хизмат қилаётган бўлинига капитан Х. Жўраев, катта лейтенант Ш. Мадримов, прапорщик М. Уринбоев, мудатли ҳарбий хизматда чакрилган старшина И. Турсунов ва уларнинг қўл остидаги жангчилар тақдирланди. Байрам тантаналари чоғида жангчи бадиий ҳаваскорларнинг кўрик-танлови ўтқазилди, у аскар ва сержантлар хотирасида сақланиб қолган шўба йўқ. Чунки кўрик-танловда ҳар бир ҳозирининг қатнашчилиги имкон яратилди.

Буюқро гарнизонининг капитан Х. Юсупов хизмат қилаётган бўлинига ҳарбий хизматчилари байрам арафасида 150 тул шуклат, 120 тул турли хил мевали дарахт кўчатларини ўтқазиди. Шаҳар маданият уйи ходимлари ҳарбий хизматчилар учун ўзбек миллий қўшиқларидан иборат ақоиб байрам концерти намойиш этишди.

21 март арафасида барча ҳарбий қўсилар эшиги меймонлар, жангчиларнинг ота-оналари, фахрийлар ва ҳарбий хизмат ёллагича бўлилар, маҳаллий аҳоли учун очиб қўйилди. Пойтахт аҳолисини эса Мудофиа вазирлиги томонидан ташкил этилган «Жасрат» бундиги тадбир ҳушунд этди. Бу ерда Мудофиа вазирлиги ходимлари ва миллий гвардия жангчилари билан Куролли Кўчалар фахрийлари, шаҳар жамоатчилиги вакилларининг учрашуви уюштирилди.

Шу уринда барча тадбирларда фаол қатнашган Куролли Кўчалар ашула ва рақс ансамбли ва Мудофиа вазирлигининг алоҳида намунавий кўргазмалар оркестрининг чиқишларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Наврўз учрашувлари кўнглида улар зиммасига мейридан ошқик тарзда фаоллик кўрсатиш масъулияти тушдики, улар бунинг улдуслидан чиқиди.

Бугун Наврўзни муносиб кўтиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Куролли Кўчаларининг қисм ва бўлимларида қилинётган барча ишлар ва тадбирларни санаб ўтиш қўйин. Лекин шунини эътироф этиш керакки, баҳор ва яшарош байрамини — Наврўз ҳарбий жамоаларда дўстлик ва биродарлик тўғилуларининг янада мустақамланчида, мустақил Ватанга нисбатан ҳарбий хизматчилар қалбиди ватанпарварлик тўғилуларининг шаклланишда беқинис аҳамият касб этипти.

В. КАЛОШИН,  
полковник.

Толеингиз бор бўлсин,  
Ёр бўлсин эзгу сўзлар.  
Қалбингиз нурга тўлсин,  
Наврўз муборак, дўстлар!



## БУ ТИНИҚЛИК, БУ ТАРОВАТ

- Эй кўнгли, яйра, қувон,  
Наврўзи оламдир бузун,  
Кўнра дунё ҳам ёшармоқ  
Бирла там-тамдир бузун.  
Янгилашмиш боғу-роғлар,  
Янгилашмиш она-юрт.  
Хур нафас олсанг
- Жумла олам кўз тиқур,  
Кип билан боққан
- Қомати ҳамдир бузун,  
Бегуборлик фаслдир бу,  
Дўсти ёрлик фасли бу,  
Бор синангани ташла сен
- Тоти хуштавдир бузун,  
Ўзбекистон бастига боқ,  
Мисл майдон ичра мард,  
Келбатида куч ва шиддат,  
Яхшилик жамдир бузун.  
Одим отгай яхши ният  
Бирла истиқбол томон  
Нияти ёрди, шу боис  
Шахти шахдамдир бузун.  
Навбахор оғушида  
Ҳар ён тиниқ, осмон
- Тиниқ,  
Дил мунаввардир бузун,  
Нисон мукаррамдир
- Шуа гўзал овоз Ватанга
- Ҳамнинг  
Қомати ҳамдир бузун,  
Бегуборлик фаслдир бу,  
Дўсти ёрлик фасли бу,  
Бор синангани ташла сен
- Ҳам,  
Тиниқ, уқтамдир бузун,  
Қайси кўнгли ойнасида  
Қолса гар зарра губор,  
Эҳ, ҳақон ювгум, дебон  
Наврўз кўзи намдир
- Бугун,  
Эй биродар, янги йилга  
Кип тиниқ кўнгли билан,  
Ушбу кўнлар шукрига  
Минг бор шукур қамдир
- Бугун,  
Бу тиниқлик, бу тароват  
Ичра соз туптап Ҳабиб,  
Кимки эзгуликка шайдо  
Унга ҳамдамдир бузун.
- Ҳабиб САЪДУЛЛА.

### ҚУТЛУҒ ИЗЛАРИНГА ЮЗИМНИ БОСИБ

Баҳор кўши ўзининг ним қарорати билан кишининг сўнги салони нафасларини эрита болади. Энг баланд тоғлар чўққисидан юзатиб етган оппоқ қорнинг тинчлиги бузилиб, эришчилик билан қимирлаб қўяди. Киши бундан сўқут сарлаган жилгалар, ирмоқлар ҳушбўй ялпизларни ўқудан уйғотиб, қиқир-қиқир кула бошлайди. Бундан бун ҳуқми оқизлигини англаган киши яратганга илтижо қилади: «Шарқнингдан бенисиб этма, ялло, одтоб деб аталган соҳибжамолнинг орамини бир қўриб, сўнг жон берсам, армоним қолмасди». Унинг иқобат бўлди. Соғудан таращадая қотиб етган сумалаклар бутотлардан, тарновлардан йиқилиб тушди. Унинг зарбидан ерилган ерлардан бойчечаклар муралади. Осмонда гала-гала турналар ўқди. Қалдиричлар чўғури оламини тўпти. У ўзининг хас-хашак ва лойдан қурган кўлибиди билан айвонинингизинга эмас, қалбаримизни ҳам беэди, хайратга ошно этди. Болакайларнинг қозғараклари кўкса, соғпоқлар қизалоқларнинг нозик елкаларига сиймай қотди.

**Бу кун ташрифидан бағрим бутлайман. Эй, меннинг қадимий дилбар Наврўзим, Қайта туғилганим билан қутлайман.**

Шу ўрinda бир ривоят эсимга тушиб кетди. Қадим-қадимларда оқил ва одил бир одамнинг сулув қизи бўлган экан. Шу қизга иккита фарштаннинг ишиқи тушибди. Қиз улардан қайси бирини кўнгли бершини билмасмиш. Фаршталар унинг висолига етишиши илин-жидда елиб-югураверишибди. Ниҳоят, қиз уларга шундай дебди: «Мен юрт фарзанди була оладиган ўғилга она бўлишни истайман. Уни қандай қилиб тарбиялашга қодирликларини билшим керак. Ана шунга қараб сизларга қароримни айтман». «Бу иш меннинг қўлимдан келади», — дебди биринчи фаршта. — Мен ўнга илм ўргатаман, ривизетдан, фалақидан сабоқ бераман. Сибас билан шуғулланади, ажабий тилларни ағаллайди, одамга донг таратади». Навбат иккинчи фарштага келибди: «Авалдан-авлодга мерос қолдиган асосий бойлик тил, ватан ва азалий қадриятлардир. Мен ўғлингни ана шу уч нарсага муқаддас қилиб, ўнга қиёнат қилмасликка ўргатаман». Туриб-туриб оталик шарафига мўъссар бўлган ана ўша иккинчи фарштаннинг жасур зурриятлариға ўшатаман, Сизни, азиз юртдошларим.

Мана бугун ўлкамизда Наврўз кези қориди. Унинг қадими отмаган ер, нафасидан бағрамиди бўлмаган дил йўқ беповен Туронзаминда. Республика «Наврўз» хайрия жамғармасида иш қизгани. Унинг вилотлардаги бўлимлари ҳам жадал ишламоқда. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарииялар, ногиронларга моддий томондан ердан қўрсатилмоқда. Наврўздан уч-тўрт кун аввал эса қабристонларни тартибга келтириш, ариқлар ва кўчаларни тозалаш, турли хил мева ва манзарали дарахлар ўтказиш, беморлар ҳолидан хабар олишдек хайрият тадбирлар амалга оширилди.

Бизнинг Наврўзимиз истиқлол туфайли юзага чиқди, оқланди, буюк байрам сифатига тан олинди. Далаларга боқсангиз, еру заминнинг хуш исидан, ҳайдалган ерлардаги тупроқ ҳовидан қўнғиз тиниб, бошингиз айланади. Оппоқ бўлиб тебраниб турган бодом тули йўларингизга оқлик тушади. Устаган ҳар бир кўнмиш, аслида, ганимат билсангиз. Бир-бириндан бир оғиз ширин сўзимизни дариг тулғай яшаган ҳар бир кўнмиш, аслида, Наврўз билсангиз. Янги кунни яратиб яшаш ҳар биримизнинг меҳр-муҳаббатимизга боғлиқлигини унутмайлик. Айтишларича, киши Наврўз кунини байрам қилиб қўвонса, кейинги Наврўзга-ча ҳуррам бўлиб, фароғатда яшармиш. Келинг, ҳаммамиз биргалиқда, ана шунга амал қилайлик.

**Яшил майсалардан дуррача бойлаб, Дориломон кунларга шўхона айлал, Хар дилга истиқлол ҳиссини жойлаб Наврўз кезаётир Ўзбекистонда!**

Гулсҳра ЙЎЛДОШЕВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.



### Мунис мавжудотга меҳру шафқат



### АРХАР, САЙҒОҚ, ХОНГУЛ — ПОЧТА МАРКАЛАРИДА

**«Ўзбекистон маркаси» нашриёти марказида мамлакатимиз ҳудудидан яшовчи ёввойи қўштўққил хайвонларга бағишланган почта маркалари тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан муомалага чиқарилади.**

Ўзбекистоннинг хайвонот олами турли-тумандир. Худудимиздаги қир-адирларда, тўқайзорларда, тоғли жойларда ёввойи хайвонлар неча асплардан бери яшаб келмоқда. Бундан бир неча йил аввал тоғ ён-бағирларида сайғоқ, жайрон, мархур, архар ва бошқа хил хайвонларни учратиш мумкин эди. Афсуски, табиат-

нинг бу ноб жонзотларини броконерлар қириб ташлади. Уларнинг айби билан табиатда норасоликлар вужудга келди. Табиатни қутқариш учун қўриқхоналар ташкил этилди. Қўриқхоналарнинг филиолиари йўқолиб кетётган хайвонларнинг турини қўпайтиришга ва уларни асраб-авайлашга интилоқдалар.

Д. САЙДОВА,  
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

### КЕЛИН ТАНЛОВИ

(Амир Темура ҳақида ҳикоятлардан)

Буюк соҳибқирон Амир Темура-нинг наварлари ичиде мард, баҳодир, ўқтам, турти сўз бир йигит бор эди. У қандай топширик бўлса, аъло даражада баҳарар, нимани иш қилиш керак бўлса, сўзсиз адо этар, жангу жадалларда моҳир мерган, энгилмас жангчилардан бири эди. Амир Темуранинг ўша йигитта меҳри бисёр эрди. Қўнлардан бир кун буюк Амир ўғилларидан бири сифатда ўша мард жангчини уйлантириб қўймоқ, ниятида вилотлардан келтирилган ўқта ниҳоятда хушрўй, энг сара, қад-қоматлари келишган қизларни хузурга чорлашларини буорди. Амрининг буйруғи адо этилиб, қизлар келтирилди.



Амир Темура бу гўзалларнинг ақл-заковати ва фаросатини синаш мақсадида уларга шундай савол берди: — Дунёдаги энг буюк нарсани нима? — Энг суюкли нарсани? — Гўзаллар бир-бирларига қарадилар, ой юзларида хайрат аломатлари пайдо бўлди, қоп-қора зулукдек қошлари керилиб, узун-узун кинриклариде бир-бир ўқди ва ниҳоят, қад-қадда биринчи турган гўзал ишн сўраб жавоб берди: — Гўзаллик ва Ер, — деди у. Иккинчи гўзал шундай жавоб берди: — Бойлик ва Хурсандчилик! Учинчи гўзал дедимки: — Гўзал либос ва Ширин таом! Туртинчи гўзал қиз деди: — Олтин ва қумушлар!

Бешинчи гўзал но ила деди: — Сайру тамошалар-ором олишлар! Шешинчи парижусор дедимки: — Ер боқилари ва меҳри! Еттинчи гўзал чехра деди: — Ширинликлар ва сарқуш иччилар! Саҳизинчи ер деди: — Марвариду маржонлар! Тўқтинчи гўзал пари деди: — Қўз олғуви олтин буюмлар! Ва, ниҳоят, ўнинчи гўзал қиз шундай жавоб берди: — Она-Юрт ва фарзанд қувончи! Ушбу жавобни эшитган Амир Темура бу ўнинчи гўзални наварига сўзсиз ниҳоят берди ва дедимки: Килингимиз сўзи доно! Ул асл олтинга аяло!

Ойсара ҲОЖИМАТОВА.

Кай кун мен сендан ажралиб қолдим, Усидини дун келсан бағри бутларга. Жавобсиз саволлар зарбидан тоқдим, Назот, кетгин бора келмас юртларга? Сенсиз ҳувиллади қирлар эгати, Даргани дараклаб, қалбим тилгадим. Лолақизгалдоқлар оғушдаги Даданинг қабрини кўчиб йиғладим. Армонлар эзаркан, харсантош нисол, Чабндай чакса-да, жонимни қулфат. Улдун деб айтишга бормади тилини, Аза очмоқликка етмади жузлат. Шу тахлит яшадим бир неча йиллар, На ордан, на кўздан сени топмадим, Жанчи ўғлинини кутган онадек Ишонч ўғлинини йлмамди. Қутлуғ изларинга юзимни босиб,

Сумалак шарбатини солишдан аввал дошқозонга ёғ солиб юздирлади ва тузсиз хамирдан бутирасок пишириб, ис чикардилар. Сумалак пиширишдан аввал отинийлар «Кўрсон» ўқиб, ўқок атрофида чирок ёқдилар, арвоқларга ис чикрилди. Дошқозон тагига ўтин қалаётган аёл қўнғилда нимани нияти бўлса, сумалак олдида айтса, ораси амалга ошармиш. Нопок кишилар сумалак қайнаётган қозон атрофида явулаштирилмайди, мабодо таҳорат олманган ёки нияти ёмон одам қозонга назар ташласа, сумалак тошиб кетар экан. Фарзандталаб айлар сумалак пишаётган қозон атрофида уч марта айланиб, ниятини айтсалар мурадлари ҳосил бўлади, дейдилар. Эгизак фарзанд ўстираётган онахонлар ҳар йили сумалак қилиб элга худойи берсалар, болалари эсон-омон улғайар экан. Тонгта юкни сумалак қилаётган айларнинг қўнини уйқу элиптанда омону фалақдан учиб келган малойиклар қозонга туз ташлаб кетишаркан.



Пинжақ кетган моқола бун билмай қолишармиш. Сумалакка туз солимаслигининг сабаби ана шунда. Сумалак пиширишда ҳамма хурсандчилик қилиши, ҳеч юм бир-бирининг қўнғилга озор бермаслиги керак. Сумалак пишаётган қозонга қаттарок мунчоқ, ёнғоқ ёки тош солинади. Сумалак сузалаётганда кишини идишига мунчоқ тушса, биринчи фарзанди қиз бўлар экан, деб хурсанд бўладилар. Мабодо тош чикса, турмуши тошдек муштахам, ёнғоқ чикса бамисоли ёнғоқдек сермағиз, яъни серфарзанд бўлади, деб яхши ният қиладилар. Сумалак пишириляётганда бехосдан ёмғир ётиб қалса, бирорта тўғичи бола қозон атрофида уч марта айланиб: Қозоннинг қўнғичиман, Онамнинг тўғичиман, Ёмғирни тиңдирғучиман Бугуларни дўндирмаман, Сумалакни сўндирмаман, деса ёнғирчилик тўтайди, дейдилар. Тўғилочки: Ф. ҒАҒУРОВ.

# UZDUNROBITA

cellular

## «Ўздунробита»

уяли радиотелефон алоқаси ўзбек-америка қўшма корхонаси

Ўзбекистон халқини баҳор байрами - Наврўз билан чин қалбдан муборакбод этади ва ҳаммага бахт-саодат, муштахам соғлиқ, тинчлик ва тотувлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида амалга ошириляётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда улкан муваффақиятлар тилайди.

«Ўздунробита» ҚК уяли телефон хизмати кўрсатиш қўламини изчил кенгайтириб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Урганч, Қарши, Бухоро шаҳарларида уяли алоқа станциялари ишлаб турибди. Андижонда эса шундай станцияни монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Бизнинг корхонамиз Ўзбекистоннинг уяли радиотелефон алоқаси миллий тармоғини барпо этишда фаол қатнашмоқда.

**«Ўздунробита» ҚК дирекцияси.**

Телефонлар: (3712) 44-17-09, 44-32-08. Факс: (3712) 40-26-68.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖҲУРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:  
Парламент 33-57-34;  
Халқар 33-07-48;  
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодийёт 36-36-65;  
Маънавият 36-35-60;  
Туғи муҳаррират 33-10-28.  
Эълонлар 36-09-25.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.  
Навбатчи — Ф. Юсупов.